

бошчасини очик кўчиб синиши, кафт усти соҳаси лат еган жароҳати аниқланиб, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра ўрта оғир тан жароҳати тоифасига кириши кўрсатилган.

Дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] ўзининг юқоридаги ғайриқонуний ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда гумонланиб, жиноят иши судда кўриш учун юборилган.

Жабрланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида ариза билан мурожаат қилиб, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 2 июнь куни [REDACTED] содир этган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олиб шифохонада даволангани, шифохонада даволаниши учун кетган барча сарф харажатларни [REDACTED] тўлагани, ҳозирда саломатлиги яхшилиги, гумонланувчи билан ўзаро ярашиб олишгани, [REDACTED] нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, суд томонидан ЖПКнинг 583-моддасидаги ярашув оқибатлари тўлиқ тушунтирилгани, гумонланувчи билан ўзаро ярашиб олишгани сабабли унга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни сўради.

Гумонланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида ариза билан мурожаат қилиб, 2023 йил 2 июнь куни бошқарувида бўлган [REDACTED] давлат рақам белгили автомашинасида содир этган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида [REDACTED] тан жароҳати олишига сабабчи бўлгани, ҳозирда жабрланувчини шифохонада даволаниши учун кетган барча харажатларни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи уни кечириб, ўзаро ярашиб олишгани, айбига иқрор ва қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги сабабли жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, етказилган зарарни бартараф этиб, жабрланувчи билан ярашса, жиноят ишини ярашув тартибида тугатиб, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, гумонланувчи [REDACTED] ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаб, ўзаро ярашиб олишгани, ўрталарида мулкый низо йўқлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан гумонланувчи [REDACTED] айблилик масаласини ҳал қилмасдан уни жавобгарликдан озод этиб, жиноят ишини ярашув тартибида тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан гумонланган [REDACTED] нисбатан юритилган



жиноят иши у жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жиноят ишига илова қилинган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси [REDACTED] қайтарилсин, бир дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали [REDACTED] хусусий шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

(имзо)

[REDACTED]

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича

[REDACTED]

